

---

Бугун финал ўйини: ДХХ кубоги мусобақаси вилоят босқичи финал ўйинида Кичик Оқмачитлик ёшлар Фарғона туманилик тенгдошларига қарши баҳс олиб боради

Футбол бўйича ёшлар ўртасида ДХХ кубоги мусобақаси вилоят босқичининг бугунги финал ўйинида Ўзбекистон тумани “Кичик Оқмачит” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари Фарғона туманининг “Каптархона” маҳалласи ёшларидан иборат жамоага қарши баҳс олиб боради.

Шиддатли кечиши кутилаётган учрашув бугун соат 18:00 да Фарғона шаҳридаги “Истиқлол” ўйингоҳида старт олади.

Учрашув якунида вилоятимизнинг таниқли санъаткорлари иштирокида гала-концерт дастури ўтказилади.

Туманимиз вакилларига бугунги баҳсларда омад тилаган ҳолда барчани ушбу футбол шоуси ва концерт дастурига таклиф этамиз.

2023-08-05 11:23:31